

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK

# Шарқ юлдузи



# Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

2 / 2021

# Шарқ юлдүзү

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиңе бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид  
Мұхаммад Али  
Кенгесбай Каримов  
Иқбол Мирзо  
Қаҳрамон Қуронбоев  
Минһожиддин Мирзо  
Сайфиддин Рағиддинов  
Фармон Тошев  
Исажон Султон

Хайриддин Султонов  
Махмуд Тоир  
Гулистон Матәқубова  
Шерзод Ирзоев  
Нурбой Жабборов  
Тоштемир Турдиев  
Шухрат Маткаримов  
Адҳамбек Алимбеков  
Жамолиддин Муслим

Бош мұхаррир – Сирожиддин Рауф

Бош мұхаррир ўринбосари – Азиз Сайд

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Сайд Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфузा Қўзиева



# Буюк Ибн Сино образининг янгича талқини



Нурбой  
ЖАББОРОВ

“Химмат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаки ҳаёти йўқдир”. Бундан роппапоса бир юзу беш йил олдин “Ойна” журналида босилган мақоласига улуғ маърифатпарвар Абдурауф Фитрат ана шундай сарлавҳа қўйган эди. Химмат – Ватан ва миллат учун, зарур бўлганда, молу жондан кеча олмоқ. Сабот – Ватан ва миллатнинг шаъни-шарафи, ор-номусини ҳимоя қилиш йўлида метин иродани намоён эта билмоқдир. Биз тарихий илдизлари қадимият булоқларидан сув ичган, дунё тамаддунининг, инсониятнинг илму ирфон бешигини тебратган миллатмиз. Башариятга маърифат ва ахлоқдан, химмат ва саботдан дарс берган буюк мутафаккирлар ворисимиз. Лекин ворислик ҳаки бу ҳақда жар солиш, оғиз йириши билангина адо этилмас. Ворислик ҳуқуқига қуруқ даъволар билан эришилмас. Бунинг учун аждодларни мукаммал танимоқ, улар меросини кунт билан ўрганмоқ, тафаккур ва тадаббур этмоқ, илму ирфонда улар эришган оламшумул ютукларни янгилари билан бойитмоқ зарур. Буюк мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаётини, бекиёс илмий-маърифий фаолиятини, эзгу ғояларини, орзу-армонларини юксак бадиий асарлар, хужжатли ва кинофильмлар, драмалар орқали бугунги авлодлар шуури ва қалбига чуқурроқ жойлашимиз керак. Бу йўлда, Фитрат айтмоқчи, химмат ва сабот кўрсатмоқ фурсати аллақачон келган. Савол туғилади: биз ана шу ворислик ҳақини муносиб уddyalай оляпмизми? Буюк мутафаккир боболар меросини қай даражада биламиз? Улар амалга оширган бекиёс кашфиётларга зарра миқдорида янгилик қўша оляпмизми? Улар образига доир қандай шеърий ёки насрый асарлар яратяпмиз? Бу йўлда кино ва театр имкониятларидан самарали фойдалана оляпмизми? Болажонларимизнинг мургак қалбларини маърифат ёғдуси билан ёритувчи буюклар ҳаёти билан боғлиқ қандай мультфильмларимиз бор? Шу пайтгача бу борада эришилган ютуклар аҳамиятини камситмаган ҳолда, таъкидлаш керакки, улуғ аждодлар олдида қарзимиз чўнг. Тибиёт илмида замонавий тараққиётдан бир неча юз йиллар ўзиб кетган, жаҳоншумул кашфиётлари бугунги кунда ҳам соҳа ривожига катта таъсир кўрсатиб келаётган

Нурбой ЖАББОРОВ — филология фанлари доктори, профессор. 1966 йили тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Маърифат надир?”, “Замон, мезон, шеърият”, “Адабиёт ва миллий маънавият” сингари китоблар ҳамда ўзбек мумтоз, миллий уйғонии ва замонавий адабиёт муаммоларига доир 600 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабон мақолалар муаллифи.

## Нурбой ЖАББОРОВ

буюк аллома Ибн Синонинг миллатимиз ва башарият олдидағи беназир хизматлари олдида, айниқса, күпроқ қарздормиз...

Ибн Сино ва унинг илмий мероси ҳақида ўзбек ва жаҳон олимлари томонидан юзлаб тадқиқотлар яратилган. Турли ҳалқларнинг ёзувчилари аллома образи тасвирланган бадиий асарлар ижод этган. Грузин тарихнавис адебаси Людмила Салдадзе “Ибн Сино” асарини ёзиш жараённида буюк алломанинг руҳиятини теранроқ ҳис этиш, ҳаққоний тасвирлаш учун унинг киндик қони томган, болалик ва ўсмирлик йиллари кечган Бухорои шарифда ўн йил яшагани жуда катта ибратдир. Рус ёзувчиси Вера Смирнова-Ракитина умрининг ўн икки йилини “Абу Али ибн Сино қиссаси” романини яратишга бағишилагани буюк мутафаккирга бўлган юксак эҳтиром ва ижоддаги фидойилик намунасиdir. Ўзбек адиларидан Миркарим Осимнинг “Ибн Сино” қиссаси, Мақсад Қориевнинг “Ибн Сино” романи улуг бобокалонимиз образини яратиш йўлидаги эътиборга молик изланишлар бўлгани маълум. Абдулла Ориповнинг “Ҳаким ва ажал” достони Ибн Сино образининг поэтик талқини борасида миллый шеъриятимизда улкан воеа ўлароқ эътироф этилгани аён. Ушбу достон 1980 йилда яратилгани эътиборга олинса, орадан салкам қирқ бир йил ўтаётган бўлса ҳам, шеъриятда бу мавзуга қўл урилмади. Мақсад Қориев романи 1995 йили ёзилган. Ўтган чорак аср давомида роман жанрида комусий аллома образини яратишга уриниш бўлган эмас. Ва ниҳоят, Шайху-р-раис таваллудининг 1040 йиллиги арафасида илмий-ижодий фаолияти билан наинки республикамиизда, ҳатто яқин ва узоқ хорижий давлатларда ҳам эътироф қозонган шифокор жарроҳ ва ижодкор Жуманазар Бекназар улуг салафи образини яратишга ҳиммат камарини боғлади. “Буюк Сино” маърифий романи шу тариқа дунё юзини кўрди.

Савол туғилади: бу янги маърифий роман аввалги ёзувчи ва шоирлар асарларидан қайси жиҳатларига кўра фарқ қиласи? Адип Ибн Сино образини яратишида қандай янгиликларга эришган? Биринчидан, ушбу асар бадиияти билангина эмас, комусий алломанинг илмий кашифийлари сирлари бетакрор ёритилгани жиҳатидан ҳам қимматлидир. Маълумки, ўша замоннинг энг машҳур олимлари томонидан Шайху-р-раис, яъни донишмандлар сардори, алломалар йўлбошчиси дея эътироф этилган Ибн Синонинг илму ирфондаги камолоти, аввало, болалик чоғлариданоқ илоҳиёт илмларини ўрганишга катта рағбат кўрсатганида намоён бўлади. Тўққиз ёшида Қуръони Каримни ёд олиб, ҳофизи Каломуллоҳ бўлгани, тафсир, ҳадис, ақоид, фикҳ, мантиқ илмларини пухта ўргангани бунинг ёркин исботидир. Жуманазар Бекназар асарида ёш Ҳусайн камолотининг бошқа ижодкорлар деярли эътибор бермаган ана шу омилларига алоҳида диққат қаратилган. Натижада асарни мутолаа қилиш жараённида буюк ҳаким ўқувчи тасаввурида комил мусулмон сиймосида намоён бўлади.

Дарҳақиқат, Ибн Сино илмда юксак камолот чўққисига шунчаки кўп китоб ўқигани учунгина эришган эмас. Китоб илм манбаи экани исбот талағ қилмайди. Лекин баъзан бир умр китоблар оламида яшаган, ҳаётининг аксар қисмини мутолаа билан ўтказган одам ҳам яхши китобхон бўлгани ҳолда илмда юксак рутбага эриша олмаслиги мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, китоб мутолааси – илм эгалламоқнинг ягона шарти эмас. Илм ёруғ бир нурдир. Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло кимга ҳидоят неъматини ато этмоқчи бўлса, унинг қалбига ана шу нурни жойлаб қўяди. Ибн Синода Худо берган ана шундай ноёб истеъодни кузатиш мумкин. Алломанинг ўз таржимаи ҳолидаги мана бу сўзлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди: “Уйкуга кетган вактимда ҳам ўнгимдаги масалаларни туш кўрардим. Шу тариқа кўп масалалар менга тушимда аён бўларди. Ниҳоят, ҳамма илмларни эгаллаб олдим, инсоннинг имконияти етадиган даражада улардан хабардор бўлдим”.

Бироқ бундан Ибн Сино бобомиз камолотнинг ана шу юксак даражасига китоб ўқимасдан эришган, деган маъно англашилмайди. Ул зот илмда камолга эришмоқ учун шунчалик жидду жаҳд қилганки, бундан ақл ҳайратга тушади. Биргина мисол. Буюк мутафаккир Арастунинг “Метафизика” асарини ўқигандага тушуна олмайди. Бу ҳақда алломанинг ўзи мана бундай ёзади: “Кейин илоҳиётга ўтиб, “Мо баъда ат-табия” (“Метафизика”) китобини ўқидим. Бу китобни ёзган одамнинг мақсади менга бекик эди. Ҳатто уни қирқ бор қайта ўқидим, менга бу китоб ёд ҳам бўлиб қолди. Лекин шундай бўлишига қарамай, бу китобни ва муаллифнинг мақсадларини тушуна олмадим. Ундан умидимни узиб, бу тушуниб бўлмайдиган китоб экан, деган хulosага келган эдим”. Эътибор беринг, буюк бобомиз тушуна олмаган китобини ҳам ҳатто қирқ мартағача ўқиган, деярли ёд олган. Бу иш одамдан қанча меҳнат, қанча куч-кувват талаб қилиши тасаввур этилса, алломанинг нима учун бундай улуғ мақомга етгани сирини англай бошлайсиз.

Энг қизифи, орадан бир фурсат ўтгач, Ибн Сино бобомиз китобфурушдан Арастунинг “Метафизика” асарига Абу Наср Форобий ёзган шарҳни сотиб олади. Уйга қайтгач, дарҳол бу асарни ўқишига тутинади. Таассуротларини алломанинг ўзи мана бундай ёзади: “Метафизика” дилимда ёд бўлиб қолгани сабабли ўша пайтдаёқ бу китобнинг мақсадлари менга очилди. Бундан жуда хурсанд бўлиб кетдим, эртасига ёқ камбагалларга анча нарса садака қилдим”. Ана, илм йўлида, фаннинг ўзи англаб етмаган сирларини англаш учун қандай ғайрат қилган буюк бобомиз. Худо берган истеъод ва камол касб этиш йўлидаги жидду жаҳд – ана шу икки фазилат уйғун келиши имту ирфонда юксак мақомга эришмоқнинг асосий шарти эканига аллома ҳаётидан олинган шу биргина мисолнинг ўзи ҳам етарли далил бўла олади, деб ўйлаймиз.

Ибн Сино Ҳужжату-л-Ҳақ (Ҳақ таолонинг ҳужжати) унвони билан ҳам эътироф этилган. “Аш-Шифо” асарининг алоҳида китобини илоҳиёт масалаларига бағишлигани ҳам улуғ ҳакимнинг болалиқданоқ бу соҳага доир илмларни пухта ўргангани билан боғлик. Бундан ташқари, мазкур илмга бағишиланган “Ал-Калимату-л-илоҳия”, “Фи исботи-н-нубувва” (“Пайғамбарликнинг исботи ҳакида”), “Фи илми-л-ахлок”, “Рисолату сирри-л-қадар” (“Тақдир сири ҳакида рисола”), “Рисолату-л-мабдаъ ва-л-маод” (“Бошланиш ва қайтиш ҳакида рисола”), “Рисолату-л-Аршия фи тавҳиди таоло ва сифатухо” (“Арш ҳакида рисола, бу Тангри таолонинг ягоналиги ва сифатлари ҳакида”) сингари асарларни ҳам ёзган. Жуманазар Бекназарнинг ушбу маърифий романида аллома истеъодининг ана шу жиҳатлари баъзан очиқ-ойдин, айрим ҳолларда сюжет тагматнида таъсирчан ифода этилган.

Ибн Сино замонасининг машхур олимларидан Абу Абдуллоҳ Нотилийдан мантиқ илмини ўрганади. Алломанинг ўзи таржимаи ҳолида: “Нотилий қайси масалаларни мендан сўрамасин, мен у масалани ундан кўра дурустроқ тасаввур килардим. Ниҳоят, ундан мантиқнинг юзаки масалаларини ўқидим, лекин бу фаннинг нозик томонлари унга номаълум эди...” деб ёзади. Бу ҳол ёш Ҳусайнга Тангри таолодан бекиёс заковат берилганидан далолат беради.

Дунёнинг турли ҳалқларига мансуб олимлар бу улуғ мутафаккирни ўз миллатининг вакили сифатида танитишга интилгани кузатилади. Асарларини араб тилида ёзгани учун аксар чет эллик олимлар Ибн Синони араб файласуфи, деб хисоблайдилар. Тақдир тақозосига кўра ҳозирги Эроннинг бир қанча шаҳарларида яшаганини далил сифатида келтирган эронликлар алломани ўз аждодлари деб атайдилар. Отаси асли балхлик бўлгани боис афғонлар уни ўз мутафаккири деб биладилар. Айрим тожик олимлари асарларида ҳам Ибн Синони ўз миллатининг

## Нурбой ЖАББОРОВ

вакили сифатида таништиришга ҳаракат қилинади. Бу каби фикрлар билан танишганда, замонамизнинг буюк шоири Абдулла Ориповнинг машхур сатрлари хаёлга келади:

*Вакиллар йигилди турли томондан,  
Турли ирқ, турли дин, турли забондан.  
Яхшини ҳар бири меники деди  
Ва лекин ҳаммаси тонди ёмондан.*

Холбуки, Ибн Сино туркий миллат вакили. Машхур қримтатар алломаси Исмоилбек Гаспрали ўзи муҳаррирлик қилган “Таржимон” газетасининг 1911 йил 4 март сонида чоп этилган “Чигатой тили” сарлавҳали мақоласида мана бундай ёзган эди: “Киев ва Мўсқва балдаларинда рум ва лотин лисонинда бирор раҳбон (роҳиблар) шкўласи таъсис эдилмасдан муқаддам Бухоро ва Самарқандда илми тиб, хайъат, фалсафа, тарих, жуғрофия, ҳандаса ва соира дарс ва таҳсил эдилур. Улугбеклар, Форобийлар, Ибн Синолар каби турк ҳукомоси (барча таъкидлар бизники – Н.Ж.) етишур-да, бунларинг ахфоди (авлодлари) бу кун нечук тилсиз от ўлинур?!”

Гаспрали “Маданияти исломия” асарида ҳам бу масалага алоҳида ургу беради: “...асарлари асрлар давомида Ғарбда дастуриламал бўлиб келаётган Али Ҳусайн Ибн Сино ҳазратлари Оврупода Ави-Сена номи ила машҳур ўлан экан – турк ўғли турқdir. Юнон қавми Буқрот каби табиб ва Арасту каби филўсӯф ила ифтихор эдар. Ибн Сино эса, ҳам табиби машҳур, ҳам филўсӯфи нодир эди. Ибн Сино Арастунинг акси дагил эди ва лекин Арастунинг шогирди ўлмаюб, ўзининг истеъоди аклия ва зеҳнияси ила Арастуя баробар келмишdir. Ибн Сино Бухоро мевасидир... Фазнавийларнинг ва темурийларнинг саройлари уламо ва ҳукамо жамиятлари или шарафландиги тарихларда ёзилмишdir...”

Ибн Синодан тўққиз аср кейин у туғилиб вояга етган Бухоро заминидан етишган маърифатпарвар аллома Абдурауф Фитрат “Тилимиз” мақоласида: “Қўзларимизни тўрт очиб қарайлик, дунёнинг энг буюк ҳакими бўлған Ибн Сино турқdir. Иккинчи Арасту аталған Форобий турқdir. Араб тилини мангуллик тирғизиб келган Жавҳарий турқdir. “Ваҳдати вужуд” фалсафасининг имомларидан бўлған Жалолиддин Румий турқdir. Форсий адабиётининг пайғамбарларидан бўлған Низомий даҳи турқdir”, дея алоҳида уқтиради.

Ана шу ҳақиқатдан хабардор адаб Жуманазар Бекназар асарда буюк Ибн Синонинг миллий туйгуларини мантиқий далилланган тарзда ишонарли талқин этади. Бир ўринда аллома Яратганга муножот қилиб, мана бундай сўзларни айтади: “Оллоҳим, Ўзингдан ёлвориб сўрайман: “Тиб қонунлари”ни хаста диллар учун саломатлик манзилини кўрсатувчи йўлчи юлдуз қил! Гарчи ўзим замин фарзанди бўлсам-да, асарларимнинг элга манфаати самолар қадар юксак бўлмогини насиб эт! Туркий миллат вакили бўлсам ҳам, асаримни муборак Каломинг нозил бўлган араб тилида ёзяпман. Уни бутун башариятга манзур айла!”

Ёки маърифий романнинг бошқа бир жойида бобокалонимизнинг руҳий кечинмалари таъсирчан ифодаланар экан, унинг умр шомида ўз-ўзига ҳисобот тарзida айтилган қўйидаги сўзлари ўқувчининг қалбини титратиб юборади: “Тиб илмида қўзлаган орзуларим ушалдими? Илмий асарларим билан халқимга наф етказа оляпманми? Она қишлоғим – Афшонам, Бухорои шариф ва бутун туркий элим тиббиёт борасидаги хизматларимдан рози бўлармикан? Ибн Сино бизнинг фарзандимиз, дея фахрланармикан?”

Маърифий роман сюжетида Ибн Синонинг туркий миллат фарзанди экани

умумбашарий сиймо эканини истисно этмаслиги, алломанинг илмий асарлари ирқидан, динидан, тилидан қатъи назар, барча учун бирдай манфаатли эканига доир муаллиф қараши ўқ чизик бўлиб ўтади. Муҳими, бу қараш ўқувчига зўрмазўраки сингдирилмайди, балки асар тагматнидан табиий равишда англашилади ва китобхон қалбига кўчади.

Ибн Сино, биринчи навбатда, табобат илмининг буюк намояндасидир. Тиббиётнинг кейинги ўн аср давомидаги ривожини буюк мутафаккир тадқиқотларидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Лекин, афсуски, алломанинг ушбу соҳага доир бекиёс илмий қашфиётлари, кўп ўрганилган бўлишига қарамай, биз ворисларининг эътиборсизлигимиз сабабидан зарур даражада эътироф этилмай келади. Бу ҳол миллатимиз тиббиёт олимларининг бир неча юз йиллар давомида Ибн Сино асарлари моҳиятини чукур ўрганиб, соҳада кечаетган янгиликлар билан қиёсий таҳлилэтмагани, аллома қашфиётларини умумжаҳон миқёсида етарли тарғиб кила билмагани ҳамда ватанпарварлик, миллатпарварлик сингари фазилатлардан тобора йироқ тушгани натижасидир. Шайху-р-раиснинг аксар қашфиётлари ғалати машҳур тарзда ўзга халқлар олимлари номи билан юритилиб келаётгани сабаби шунда. Тиббиёт соҳасининг забардаст олими бўлгани боис Жуманазар Бекназар ушбу маърифий романда ижодий ниятни ана шу ножоиз анъанага чек қўйиш, тарихий адолатни тиклаш ва илмий ҳақиқатни қарор топтириш сари йўналтиради. Сюжет ва композициянинг ана шу ижодий ниятга мувофиқ шакллантирилгани асарнинг ютуғини таъминлаган бош омилдир. Романда Ибн Сино ҳаёт йўли билан боғлиқ ҳар бир воқеа тасвири чукур мантиқ асосида маълум бир беморни даволаш зарурати билан боғланади. Салоҳиятли мутахассис бўлгани учун ҳам муаллиф муолажа жараёнини бутун тафсилоти билан беради. Энг муҳими, бунда тарихий колорит сақланган. Жуманазар Бекназар табиий равишида Ибн Синога айланиб, беморни даволаш, зарур бўлганда, операция қилиш жараёнини энг майда деталларигача муфассал тасвирлайди. Ҳар бир воқелик тасвири сўнггида қиссадан хисса тарзида айни шу муолажа натижасида Ибн Сино ўзидан кейинги замонлар тиббиёти учун зарур бўлган қандай илмий қашфиётларни амалга оширгани, бир неча юз йил ўтгач, тиббиёт соҳасидаги ушбу тадқиқот қай тарзда ўзга миллат мутахассиси “қашфиёти”га айланиб қолиши тарихи ёритилади. Ҳайратланарлиси, комусий алломанинг бу қашфиётлари замиридаги илмий ҳақиқатлар бир неча асрдан кейингина ўша даврга хос техника-технология ёрдамида айнан тасдиқланиши кўрсатиб берилади.

Биргина мисол: “Бош мияда сезиш ва фикрлаш марказлари мавжуд. Миянинг олд қисмида сезиш, ўрта қисмида сезгиларни умумлаштириш, орқа қисмида ёдда сақлаб қолиши марказлари бор”. Бу фикр қандай қилиб ва қай тарзда улуғ ҳақимнинг миясида пайдо бўлди?! Ахир миянинг бу сифатларини уни ёриб кўриб ёки қаватма-қават кесиб ҳам кўз билан кўриб бўлмайдику! Ибн Синонинг мия тўғрисида ёзганларини ўқиганда, Санкт-Петербург шаҳридаги Мияни илмий текшириш маркази директори Н.П.Бехтерованинг фикрлари ёдга тушади: “Биз миянинг ҳар бир кичик заррасини электрон микроскоплар воситасида дикқат билан, синчиклаб, сантиметрдан миллиондан бир қалинликда қаватма-қават кесиб, ҳар хил рангларга бўяб текширдик. Бироқ бир неча ўн йиллик заҳмат ва қаттиқ меҳнатларимизнинг натижаси шу бўлдики, биз мия тўғрисида ҳатто заррача тасаввурга ҳам эга бўла олмадик. Биз ахийри шундай хулосага келдик: Мия – бу илоҳиёт мўъжизаси!”

Ибн Сино мия хусусида фикр юритганда, унинг нафақат тузилишини, балки шундай тузилишга эга эканининг сабабини ҳам илмий жиҳатдан асослайди. Мия

## Нурбой ЖАББОРОВ

қоринчалари, яъни тўртингчи (Ибн Синода орқа) ва учинчи (Ибн Синода ўрта) қоринчалари ўртасидаги туташтирувчи йўлни аниқ тасвирилади. Афсуски, бу йўл ҳозирда Силвиев водопроводи деб юритилади. Ахир у ингичка игна қалинлигидаги йўл-ку! Ибн Сино уни қандай пайқади экан?! Ақл бовар қилмайди!”

Қиссадан чиқарилган бу каби ҳиссалар ўқувчи шуурида Ибн Сино образини яққол намоён этади. Бугунги авлоднинг улуғ бобокалони ҳақидаги хира тасаввурлари ойдинлаша боради. Уни яқиндан таний бошлайди. Алломанинг буюклиги сабабларини аниқ ва пухта далиллар билан англаб етади. Ифода услубининг воқелик тасвири + қиссадан хисса шакли танлангани асарнинг ўқишили бўлишини таъминлаш баробарида, баён этилаётган фикрнинг таъсир кучини бир неча баравар оширган.

Ибн Синонинг буюк ҳаким ва бир вақтнинг ўзида салоҳиятли шоир ҳам бўлгани, “Уржузалар”ида тиббиёт ва мантиққа оид илмий фикрларини шеърда, арузнинг ражаз баҳрида бадиий ифода этгани, маърифий романда алломанинг назмий ижод борасидаги беназир салоҳиятини кўрсатиш мақсадида шеър намуналари ҳам келтирилгани эътиборга олинса, Жуманазар Бекназар буюк алломанинг муносиб издоши экани аён бўлади. Воқеалар тасвири бобокалонимиз сиймосини яққол образли намоён этган бўлса, шеърлар беназир ҳакимнинг бой руҳий дунёсини, турли вазиятлардаги турфа кечинмаларини, кўнгил оламидаги ҳассос туйгуларини ўқувчи қалби ва шуурига таъсирчан шаклда етказгани жиҳатидан қимматлидир.

Ушбу маърифий роман Жуманазар Бекназарнинг кўп йиллик заҳматли илмий-ижодий изланишлари маҳсули. Асар мазмунидан муаллифнинг кўп сонли тарихий манбаларни, илмий ва бадиий адабиётларни, алломанинг тиббиётга доир асарларини, айниқса, “Тиб қонунлари ва “Аш-Шифо” асарларини кунт билан, сахифама-саҳифа ўргангани, улардаги маълумотлардан романда ўринли ва маҳорат билан фойдалангани билиниб туради. Асарда Ибн Сино тақдир тақозосига кўра борган ва истиқомат қилган шаҳарлар, укаси Маҳмуд, Абу Убайд ал-Жузжоний ва бошқа шогирдлари, дўстлари билан боғлик воқеалар тасвири бобокалонимиз биографиясига айнан мувофиқ экани тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айлантирилишида асосий омил бўлган. Нух ибн Мансур, Сайида, Шамсуддавла, Алоуддавла каби ҳукмдорлар образлари, Ибн Синонинг улар билан ўзаро муносабатлари буюк мутафаккир сиймосини мукаммал бадиий талқин этишга хизмат қилган.

Шарқшунос Абдусодик Ирисов аллома биографияси бўйича номзодлик диссертацияси ёқлаган Ю.Н.Заводовскийнинг Ибн Сино асарлари сони 250 дан ортиқ экани ҳақида ёзганини айтади. Академик Убайдулла Каримов шундан 240 таси бизгача етиб келганини таъкидлаб, уларни қуидагича тасниф этади:

1. Фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуф – 80 та.
2. Тиббиёт – 40
3. Мантиқ – 19
4. Психология – 26
5. Табиий фанлар – 23
6. Астрономия – 7
7. Математика – 1
8. Мусиқа – 1
9. Кимё – 2
10. Ахлоқ – 9
11. Адабиёт – 6
12. Олимлар билан ёзишмалар – 12

Буюк мутафаккирнинг турли фан соҳаларига доир бунчалик катта кўламда асарлар ёзганидан, илмий-ижодий фаолияти қамрови бу қадар кенглигидан ҳайратга тушмаслик мумкин эмас. Гарчи ўзбек, рус, араб, форс, француз, инглиз ва бошқа халқларнинг олимлари ушбу асарларни таржима ва тадқиқ қилган бўлсалар ҳам, аллома образи яратилган бадиий асарларда унинг ушбу фазилатлари етарли даражада ёритилмаган эди. Жуманазар Бекназар буюк бобокалонимиз образини яратар экан, унинг асосан табиб, файласуф ва шоир сифатидаги илмий-ижодий қашфиётлари сирини очишга алоҳида эътибор қаратади. Мулоҳаза сифатида айтиш мумкинки, маърифий романнинг кейинги нашрларида адаб асар сюжетига алломанинг мантиқ, табиий фанлар, астрономия, мусиқа, ахлоқ ва адабиётга доир тадқиқотлари билан боғлиқ ҳаётий лавҳаларни, илмий қарашларини ҳам киритса, Ибн Сино образи янада мукаммал тасвирланган бўлар эди.

Романда қиссадан ҳисса чиқарар экан, Жуманазар Бекназар буюк Ибн Сино яратган аксар илмий қашфиётлар орадан бир неча юз йиллар ўтиб, ўзга миллатлар олимлари номи билан аталиб кетганига алоҳида дикқат қаратади. Жумладан, немисларнинг машҳур терапевти А.Штримпель таҳрири остида йигирма етти марта қайта-қайта нашр қилинган “Ички касаллик бўйича қўлланма” китобида Ибн Сино бобомизнинг плеврит тўгрисида ёзганларининг хеч бир ҳарфи ўзгартирилмасдан келтирилган. Тиббиёт тарихида чума касаллигини қаламушлар тарқатишини, унинг ўта юқумли эканини биринчи бор Ибн Сино айтган. Европада бу факт А.Иерсен, А.Китазамо томонидан 1894 йилга келибгина тасдиқланди. Улуғ ҳаким ришта касаллигини ташқаридан кирган паразит пайдо қилишини аниқ ёzáди. Бунинг ҳақиқатан ҳам шундай экани рус олимлари Л.Исаев ва Н.Ходукин томонидан 1924 – 1925 йилларда қайта исботланди. Аллома “Тиб қонунлари”да бир касалликни бошқа бир хасталик билан даволаш мумкинлигини ёzáди. Бу “қитиқлаш (ёки қўзғатиш) терапияси”нинг асоси эди. Тўрт кунлик иситма ёмон асоратли ўсмалардан, қуёнчиқ касалидан фориғ қиласи, деб ёzádi аллома. Охирги йигирма йилликда тиббиётда шу нарса ўз исботини топдики, яъни организмнинг ички ҳароратини 420 да бир неча соат ушлаб туриш ростдан ҳам баъзи бир ўсма турларидағи хужайраларни бутунлай парчалаб ташлаш хусусиятига эга экан. Ҳайрон қоларли жиҳати шундаки, шу соҳадаги илмий ишлари учун 1927 йилда Ю.Вагнер Яурегг Нобель мукофоти совриндори бўлди ва ҳоказо.

Ибн Сино: “Ғайратсиз киши тирик ўликлар. Ўликлар эса тириклар орасида эмас, тупроқ орасидадир”, деган экан. Бу сўзлар ўзини билган, ақлини юритган авлодни хушёр тортилмоғи шарт ва зарур. Нега миллатнинг Ибн Синодан кейинги олимлари – алломанинг ворислари унинг қашфиётларини етарли даражада чукур ўрганмади? Бу қашфиётларга ўзгалар эга чиққанда нега томошибин бўлиб турди? Не боис алломанинг асарларини жаҳоний тилларга таржима қилиб, унинг муаллифлик хукукини мустаҳкамлаб қўймади? Уларда бунга лойик илм топилмадими? Бизнингча, жавоб битта: ҳиммат ва сабот етишмаган. Ҳали ҳам кеч эмас, комусий аллома асарларини таржима қилиб, ўзгалар томонидан ўзлаштирилган қашфиётларнинг асл эгаси ким эканини жаҳон илм ахлига англатмоқ замонамиз олимлари олдиғаги қарз ва фарздир. Тиббиёт соҳасининг бугунги авлоди бунга етадиган ҳиммат ва саботни топа олади, деб умид қиласиз. Ушбу маърифий романни орқали Жуманазар Бекназар бу ишни бошлаб берди. Шу маънода, бу роман кўнгил кўзларини очадиган, ақлларни чархлайдиган, мудроқ тафаккурни уйғотадиган, миллатнинг маърифий савиясини оширадиган асарdir.

# Шарқ юлдуз

2021

2-сон

Муассис:

## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри  
тахририят ижодий жамоаси нуткаи  
назаридан фарқланиши мумкин.  
Тахририятга юборилган  
материаллар муаллифларга  
кайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган  
нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек  
адабиётин ихтиосолиги бўйича  
рўйхатига киритилган.

\* Журналга обуна даврий  
нашрларни етказиб бериш  
билиш шугууланувчи барча  
ташкилотлар орқали амалга  
оширилади.

### Обуна индекси – 911

#### Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри,  
Будёйкор шохкӯча, Адиблар хиёбони,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
биноси.

Телефонлар:  
231-23-65, 231-23-66, 231-23-68  
[www.sharqyulduzi.uz](http://www.sharqyulduzi.uz)  
e-mail: [sharqyulduzi@umail.uz](mailto:sharqyulduzi@umail.uz)  
[sharqyulduzi1931@mail.ru](mailto:sharqyulduzi1931@mail.ru)

Босишга руҳсат этилди:  
12.05.2021

Коғоз бичими 70x108 <sup>1/16</sup>  
Офсет босма усулида офсет коғозида  
босилди. Босма табори 11,0.  
Шартли босма табори 15,4.  
Нашриёт ҳисоб табори 17,2.  
Адади 2400 нусха.  
Буюртма №19

**Эслатма:** Журнал пандемия  
шароитида танаффуслар билан  
чоп этилганини эътиборга олди,  
маялумотлар аниқлигини текшириш  
учун журналнинг босмахонага  
топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигига 05.02.2016 й.  
0562-ракам билан рўйхатга олинган.  
“PRINT REBEL” МЧЖ  
матбаа корхонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**  
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,  
Ўрзобеев кӯчаси, 35-йй  
Журнал ойда бир марта  
чоп этилади.

Мусахихлар:  
**Дилғузла Маҳмудова**  
**Моҳира Ҳусанова**

Саҳифаловчи-дизайнер:  
**Мұхаммадсодиқ Сайфуллаев**  
Copyright © «Шарқ юлдузи»

## МУНДАРИЖА

### БАРХАЁТ СИЙМОЛАР

Усмон НОСИР. Эргани севиниб кут. ....4

### БИЗНИНГ МУЛОҚОТ

Салим АШУР, Шодмонқул САЛОМ.

Адабиёт дунёнинг умрини узайтиради. ....48

### НАЗМ

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ. Туюқ ҳаволарида. ....41

Жамолиддин МУСЛИМ. Дил чизган йўлдаман. ....44

Икром ИСКАНДАР. Дараҳтлар тик туриб олқишилар узок. ....59

Дилрабо МИНГБОЕВА. Эсавердим сенга шивирлаб. ....64

Болтабой БЕКМАТОВ. Ҳаёт – эзгуликка имкондир. ....106

Ғулом ЭГАМШУКУР. Ки вужудим таваллода. ....110

### НАСР

Шойим БЎТАЕВ Кутубхоначи хоним. Қисса. ....9

Мансур ИНЬОМ. Қамал. Тарихий ҳикоя. ....68

Шаҳодат ИСАХОНОВА. НОДИРАИ ДАВРОН ёхуд амирнинг  
тавқи лаънат тўни. Тарихий роман. ....80

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ.

Миллий қадриятлар тажассуми. ....163

### АДАБИЁТ ВА ШАХС

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. Чимилдиқдан бошланган ижод. ....75

### ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Шавкат ҲАСАНОВ. Роман ва бугунги давр. ....115

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА. “Бадиият – бош мезон”. ....120

### ЁШЛАР ИЖОДИ

Баҳодир БАҲРОМ. Висол факат тасаввуримда. ....129

Миродил ЖЎРАЕВ. Еттинчи ўлчам. Ҳикоя. ....137

### ТАҚРИЗ

Нурбой ЖАББОРОВ. Буюк Ибн Сино образининг

янгича талқини. ....143

### БУЛОҚ ҚЎЗ ОЧДИ

ХЎЖАЁР. Озод хాёлларни қиласман орзу. ....150

### БУ БЎСТОН САҲНИДА

Шоири ШАМС. Васл учун руҳи равонлиғ истагон. ....155

### BOLALAR DUNYOSI

Naima ANVAROVA. Piching qilar handalak. ....161

### ГУЛҚАЙЧИ

Сайд АНВАР. Сайловнинг шарофати. Ҳажвия. ....171

Адабий ҳаёт. ....174